



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 7 сентябрь, № 177 (5851)

Шанба

## БУГУНИ ОБОД, ЭРТАСИ НУРАФШОН



Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятларга эришилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида воҳада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,9, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,3, қурилиш ишлари 14,5, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,7 фоизга ўсгани бунинг яққол далилидир.

### Истиқболли лойиҳалар рўёби

— Президентимизнинг вилоятимизга қилган ташириги Жиззахликлар кўнглини тоғдек кўтариб юборди, — дейди “Жиззах пластекс” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бош директори

Аскар Иноғомов. — Давлатимиз раҳбари ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва ички имкониятларига юқори баҳо бераркан, юксак сифатли пахта хом ашёси етиштириладиган вилоятда толани қайта ишлайдиган ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий кор-

хоналарни кўпроқ ташкил қилиш, бундай корхоналарда ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз бандлигини таъминлаш гоят муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади.

2010 йил Жиззах шаҳридаги собиқ пайпоқ тўқув фабрикасининг бўш турган биноси негизда корхонамизни ташкил этган эдик. Утган даврда 47 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблаг эвазига кенг кўламдаги реконструкция ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, Германия ва Италиянинг бир қатор етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори технологик дастгоҳлар сотиб олинди. Яқинда корхонамизнинг биринчи навбати ишга туширилди. Натижада йилига 12 минг тонна пахта то-



ласини қайта ишлаш ўзлаштирилди, 8,5 минг тонна калава ип ва 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келиб, мингга яқин иш ўрни яратилди. Иккинчи навбати келаси йилга мўлжалланган бўлиб, мазкур босқичда 4 минг тонна трикотаж матони бўйлаб ва ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилиши баробари-



Жиззах вилоятини 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан, жорий йилда

# 1381

лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Айни кунларда уларнинг рўёби юзасидан изчил ишлар давом эттирилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

## хабарлар

■ Нукус шаҳрида “Келажак овози — 2013” республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

### Иқтидорли ёшлар тақдирланди

Маълумки, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар таълимий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур танловда қатнашиш истагидаги иқтидорли ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Илм-фан, санъат, спорт, ижод ва иxtiрочилик борасида истеъдодини намоён этаётган юзлаб ёшлар ушбу танловда муносиб рағбатлантирилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар мазкур танлов иқтидорли ўғил-қизларни кашф қилиш, уларга ўз салоҳиятларини намоён этишга кўмаклашиш ва эзгу мақсадлар сари руҳлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда.)

■ Сайхунобод тумани маркази — Сайхун шаҳарчасида бир йўла иккита тикув цехи фойдаланишга топширилди.

### Маҳаллий тадбиркорлар ҳиссаси

Мазкур хусусий корхоналар тадбиркорлар Ойбек Абдусатторов ва Улуғбек Ниёзов саяёҳаракати билан ташкил этилди. Эътиборлиси, “Сайхун текстиль бизнес” ва “Сардор текстиль бизнес” деб номланган ушбу ишлаб чиқариш субъектларининг ҳар иккисидан 12 тадан иш ўрни яратилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Навоий шаҳридаги “Рустам Ниҳол” масъулияти чекланган жамияти қурилиш ташкилотлари ҳамда аҳолига арзон ва сифатли қурилиш хом ашёси — селикат гишт етказиб бера бошлади.

### Селикат гишт тайёрланмоқда

— Оддий гишдан мустаҳкамлик даражаси анча юқори ҳисобланган селикат гиштлири оҳақ ва қум аралашмасидан тайёрланади, — дейди корхона раҳбари Отабек Аблаев. — Автоматлаштирилган ускуналарда қурилиш маҳсулоти аввал будда пиширилиб, сўнгра катта босим остида прессланади.

Эътиборли жиҳати, умумий қиймати 200 миллион сўмлик мазкур лойиҳа рўёбга чиқарилгандан сўнгра корхона маҳсулотларига бўлган талаб янада ортди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Шаҳрихон туманининг Гулистон қишлоғидаги “Тугмача” хусусий корхонасига хориждан илғор технологик ускуналар келтирилиб, ишлаб чиқариш тармоғи кенгайтирилди.

### Маҳсулот тури кўпайди

— Авваллари фақат қолипчи нон ишлаб чиқарар эдик, — дейди корхона раҳбари Амирбек Шамсутдинов. — Солиқ юкининг камайтирилиши, тадбиркорлик ҳаракатига янада кенг йўл очилиши туфайли фаолиятимизни кенгайтирдик. Банкдан 119 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳамқишлоқларимиздан ўнга яқини ишли бўлди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 94 та лойиҳа ўзлаштирилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда.)

## Берлинда Ўзбекистон сармоявий салоҳиятининг тақдимоти

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Берлинда мамлакатимиз иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган мультимедиа тақдимоти бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг Германиядаги дипломатия миссияси томонидан Берлин — Бранденбург минтақаси Иқтисодий консуллар бирлашмаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Берлинда аккредитациядан ўтган элчи-хоналар ходимлари, иқтисодий, илмий ва академик доиралар ҳамда Германия матбуоти вакиллари қатнашди.

Тақдимот иштирокчилари Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг изчил ўсиш суръатлари, саноат корхоналарини технологик модернизациялаш, ижтимоий ва инфратузилмавий

ривожланишга қаратилган давлат дастурлари, мамлакатда қулай сармоявий муҳит яратиш ҳамда ишбилармонлик салоҳиятини ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Улар, шунингдек, “Обод турмуш йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёни билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбирда “Навоий” эркин иқтисодий-индустриал зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарининг инвестициявий салоҳиятига, хорижлик сармоядорлар учун яратиб берилган имтиёз ва қулайликларга алоҳида эътибор қаратилди.

Берлин — Бранденбург ҳудуди Иқтисодий консуллар бирлашмаси президенти Инго Беетц

ҳамда тадбирда қатнашган бошқа иштирокчилар саноат корхоналарини технологик қайта жиҳозлаш бўйича немис-ўзбек қўшма лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилади эканлигини эътироф этдилар. Улар Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий тараққиётига ижобий баҳо берганлари баробарида, Германиялик тадбиркорларни улкан иқтисодий ва кадрлар салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон билан шерикчилик алоқаларини янада кенгайтиришга чақирдилар.

(Давоми 2-бетда.)

## Қонун ижодкорлигига янгича ёндашув

ХУКУҚИЙ ТАҲРИБА

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси синови бўйича ўтказилган ҳуқуқий экспериментга оид фикр-мулоҳазаларни ўрганишга бағишланган ижтимоий сўров ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармойиши асосида Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларида ушбу ҳуқуқий ҳужжат эксперимент тарихида синовдан ўтаётгани, шубҳасиз, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида

белгилаб берилган устувор вазифалар изчил рўёбга чиқарилаётганининг тасдиғидир. Давлат органлари фаолияти очиқлигини, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида аҳолининг кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш, бу — Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш йўлидаги

ислохотларнинг энг муҳим шартидир. Ижтимоий сўров Самарқанд ва Бухоро вилоятлари аҳолиси ўртасида ўтказилди. Фуқароларнинг аксарият қисми ҳуқуқий экспериментдан кўзланган асосий мақсад — маҳаллий ахборот хизматлари ишини кучайтириш, уларни малакали му-

тахассислар билан таъминлаш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг (айниқса, туман бўғинида) тушунтириш, тарғибот-ташвиқот фаолиятини яхшилашга қаратилгани ҳақида аниқ тасаввурга эга.

(Давоми 2-бетда.)

## Олий суд Пленуми йиғилиши

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Олий суд раиси Б. Мустафоев таъкидлаганидек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самараси ўларок, суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланиб, унинг жамиятда тутган мавқеи тобора ошмоқда. Айни чоғда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги интилишлар ҳам ўз самарасини берапти. Пленум йиғилиши муҳокамасига

қиритилган қарорлар лойиҳалари ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш борасида божхона органлари алоҳида ўрин тутди. Зеро, миллий қонунчилигимизга мувофиқ, республикамизда божхона сибстатининг асосий мақсади — божхона назорати ҳамда товар айирбошловини тартибга солишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш ва ички бозорни ҳимоялашдан иборат бўлиб, ушбу йўналишда кенг қўламли ишлар олиб борилмақда.

(Давоми 2-бетда.)

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги улар фаолияти очиқлиги тўғрисидаги мулоқот, сўров кўрсатганидек, нафақат "савол-жавоб" тизими асосига қурилиши, шу билан бирга, аҳоли ўртасида ушбу қонун лойиҳасининг мақсад ҳамда вазибалари бўйича кенг тушунтиришни таъминлаши, давлат

вий ахборот воситаларидаги материаллар (54 фоиздан ортиқ) жой олди. Шулар қаторида мазкур органлар томонидан кундалик фаолияти ҳақида ўз сайтларида ахборот беришни ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Дикқатга сазовор томони шундаки, фуқаролар давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни олишда ОАВ ва интернетдан фойдаланишни

жавобгар шахсни белгилаб олишлари зарур. Сўров иштирокчиларининг мулқат кўпчилиги қисми қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича деярли барча усуллари кўрсатиб ўтилган дейишмоқда. Тадқиқот шуни аниқ намоён этдики, фуқаролар у ёки бу масала бўйича ахборот олиш юза-

натижалари Президентимизнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қабул қилиш ташаббуси ҳамда мазкур ҳуқуқий ҳужжат синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказишга оид Фармойиши ҳамюртларимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганини ёрқин намоён этди. Зеро, улар фуқа-

ЯХШИ ХАБАР

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалининг 360 талаба ўрнига мўлжалланган замонавий ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий ўқув биноси

Унинг қурилишига давлатимиз томонидан 6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Янги бинода талабаларнинг замонавий илмфан сирларини чуқур эгаллашлари, малакали кадр бўлиб етиштирилиши учун зарур барча қулайлик муҳайё этилган. Бу ердаги мавжуд талабалар тураржойи реконструкция қилингани ҳам аниқ мудоа бўлди. Эътиборли жиҳати, вилоятдаги энг кенжа олий ўқув даргоҳи учун яна бир қатор объектлар қад ростламоқда. 200 ўринга мўлжалланган янги талабалар тураржойи, очик ва усти ёпиқ спорт иншоотлари шулар жумласидан. Айнан шу каби мақсадлар учун ҳуқуқимиз томонидан 18 миллиард сўм ажратилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда мазкур филиалда 500 нафар талаба еттига йўналиш бўйича тахсил олмақда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Берлинда Ўзбекистон сармоявий салоҳиятининг тақдими

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

— Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида бўлиб ўтган ушбу тақдимот бизлар учун зарур маълумотларга жуда бой бўлди, — деди "Hydro Energie Roth GmbH" компанияси вакили Кристиан Карних. — Биз Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган қизиқарли маърузаларни катта қизиқиш билан тингладик. Ўзбекистон эришган иқтисодий кўрсаткичлар нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ҳажми 8 фоиздан юқори кўрсаткични ташкил этди. Бу сингари омиллар Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида бўлган немис компаниялари вакиллари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

«Жаҳон» АА. Берлин

Олий суд Пленуми йиғилиши

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 29 январдаги "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги қарори асосида, мамлакатимизга ноқонуний йўл билан товарлар олиб кирилишини тартибга солишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бу борада судлар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, соҳани тартибга солишчи қонунларнинг судлар томонидан тўғри қўлланилишига оид Олий суд Пленумининг "Контрабанда ва боҳжона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 26 декабрда тасдиқланган Божхона кодексининг қабул қилиниши муносабати билан суд амалиётида вуҷудга келган айрим масалалар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Аммо ўтган давр давомида соҳа қонунчилиги янада такомиллаштирилди. Масалан, Жиноят, Божхона ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга юздан зиёд ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Табиийки, бу Олий суд Пленуми қарорларини ҳам такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Пленум қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан судларда қўрилган боҳжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид жиноят ишлари ўрганилиб, умумлаштирилди. Шунингдек, мутасадди идоралар томонидан тақдим этилган тақлиф ва фирм-мулоҳазалар асосида қарор лойиҳаси тайёрланди.

Пленум мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа бу йўналишда қонунчиликка киритилган янги ўзгариш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда, ягона суд амалиётини шакллантиришни назарда тутди. 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Фуқаролик процессуал кодекси 311-боб билан тўлдирилиб, унда фарзандлик олиш ҳақидаги аризаларни судлар томонидан ҳал этишнинг процессуал тартиби белгиланди. Бунгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида"ги низомга асосан, фарзандликка олиш масаласини ҳал қилиш ҳокимликлар ваколатига тегишли эди. Бу ваколат ҳокимликлардан судларга олиб берилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар муҳокамага қўйилган иккала қарор лойиҳаси ҳам ўз мазмун-моҳияти билан қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Яқунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленум йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

Зокир ХУДОШУКUROV, «Халқ сўзи» мухбири.

Наманган томонларда

Наманган шаҳридаги "Намимпекс-текстиль" масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан йирик ишлаб чиқариш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Уч босқичли ишлаб чиқариш

Қурилиши тугалланган иншоотни инвестиция киритиш мажбурияти билан ноль қийматида сотиб олган тадбиркорлик жамоаси бу ерда истиқболли лойиҳани амалга оширди. Пировардида йилга 3900 тонна калава ип, 8 миллион погон метр газлама ҳамда 500 минг дона тикувчилик маҳсулотлари тайёрлаш имконияти юзага келди. Лойиҳа ташаббускорлари аниқ мақсадлар учун 13 миллиард 877 миллион сўмлик маблағ йўналтиришди. Вилоят марказидаги Истиқлол кўчасида жойлашган мазкур корхонада 200 га яқин иш ўринлари яратилди. Эътиборли жиҳати, тўрт қаватли бинонинг биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳам фаолият юритмоқда.

Шифо масканининг кўркам қиёфаси

Норин тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида кенг кўламли таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилгач, ушбу тиббиёт муассасаси бутунлай янгича қиёфа касб этди. Даволаш ва ташхис қўйиш хоналари замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 1 миллиард 222 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Аниқ пайтда 250 ўринга мўлжалланган мазкур поликлиника "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида энг илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланиши режалаштирилмоқда. Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Иқтидорли ёшлар тақдирланди

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида бу йил танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони 5317 нафарни ташкил этди. Саралаш босқичларида 2 мингдан зиёд иқтидор соҳиблари архитектура

ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳа ва ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика сингари ўн беш йўналиш бўйича ўзаро куч синашди. Пировардида улар орасида голиб деб топилган 44

нафар йигит-қиз яқиний босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. — Бугунги кунда мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ёш тадқиқотчи, танловнинг рационализаторлик тақлифлар, техник

лойиҳа ва ишланмалар йўналиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси босқичи голиби Жаҳонбек Оралбаев. — Шундан келиб чиқиб, шомол ёрдамида катта тошларни кесувчи қурилма яратдим. Ушбу ускунама ҳеч қандай электр энергияси сарфланмайди. Барчаси



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ташаббус ва самара

Беқобод шаҳрилик Алишер Бердиев санат касб-хунар коллежида ўқиб, ишлаб чиқариш тармоқларига оид замонавий технологияларни моҳирона бошқариш сирларини эгаллади.

ИНТИЛИШ

Шаҳардаги "Шоҳона бизнес класс" масъулияти чекланган жамиятига қадоклаш линияси оператори бўлиб ишга киришда худди шу касби қўл келди. Эътиборлиси, ушбу лойиҳа туфайли бир йўла 25 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Ҳозир бу ерда мазали музқаймоқлар тайёрланаётир. Тадбиркор Файрат Каримбоев сая-ҳаракати ҳамда тижорат банкнинг 195 минг 600 АҚШ долларлик сармояси ҳисобидан корхона Германия ва Хитойдан келтирилган илғор технологик линиялар билан жиҳозланди. Маҳсулотлар, асосан, табиий сўтдан ишлаб чиқарилаётгани уларнинг харидорлигини таъминлаётти. Аниқ пайтда корхонада бежирим қадокланган 15 турдан ортиқ музқаймоқлар худуддаги савдо шохобчаларидан ташқари, қўшни вилоятлардаги буюртмачиларга ҳам етказиб берилаяпти.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эркин фаолиятнинг мустаҳкам кафолати

Мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллар кўп. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг эркин ишлашлари учун қулай муҳит яратиш сингари йўналишларни шулар сирасига киритиш мумкин. Юртимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб изчил амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, солиқ соҳасидаги ўзгаришлар одамларнинг тўқис ҳаёт кечиришига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

ИСЛОХОТ

Биламизки, сўнгги пайтларда дунё бўйлаб кузатилган глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар иқтисодиётини танг аҳволга солиб қўйди. Қатор давлатлардаги йирик корхона ва корпорациялар бўҳрондан чиқиш, аввалги саноатияни сақлаб қолиш учун иш ўринларини қисқартиришни маъқул кўрган бўлса, қайсибир мамлакатда солиқ юқини ошириш орқали мамлакат газнасани бойитишга ҳаракат қилинди. Қувонарлиси, инсон манфаати устувор қўйилган мамлакатимизда барча соҳаларида барқарор ўсиш суратлари сақланиб, одамларнинг даромади

кўпайиб, уларнинг ҳаёт даражаси янада юксалмоқда. Бу солиқ соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликлар, умуман, солиқларнинг рағбатлантирувчи омилга тобора ортиб бораётганида ҳам яққол кўринади. Дарҳақиқат, юртимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари 2012 йилнинг 2 майида янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бинаоан химоя қилинади. Мазкур Қонуннинг 39-моддасида назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг

бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш мuddатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Давлат солиқ қўмитаси томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг ишчи органи сифатида режали текширишларни ташкил этишда юқорида қайд этилган тартибга тўлиқ риоя этилиши юзасидан тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, текширишлар режа-

жадвалига киритилган корхоналар ҳақидаги маълумотлар назорат қилувчи органлардан ҳар ойда олиниб, "Текширишларни мувофиқлаштириш" дастурий маҳсулига киритилмоқда. Кенгаш тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига киритилган тадбиркорлик субъектлари рўйхати ойма-ой Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги www.soliq.uz сайтидаги "Текширишлар ва уларни мувофиқлаштириш" номли махсус саҳифага жойлаштириб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳар қандай тадбиркорлик субъекти сайтидаги Давлат солиқ қўмитасининг интерактив хизматларидан бири ҳисобланган "Текширишлар режа жадвалидан кўчирма бериш" хизматига мувожаат қилиб, корхонасида ўтказилаши мўлжалланган режали текшириш мuddатлари, текшириш қайси назорат қилувчи орган-

лар томонидан амалга оширилиши тўғрисида аниқ ва тезкор маълумотларни олиши мумкин. Эътиборлиси шундаки, бу хизматдан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо талаб этилмайди. Бунинг учун солиқ тўловчи фақат ўз идентификация рақамини киритса бас: йилнинг қайси даврида текшириш ўтказилиши ёки ўтказилмаслигини, иш жойидан чиқмаган ҳолда, интернет орқали билан олади. Кейинги йилларда мазкур тезкор ва замонавий хизмат туридан фойдалувчилар сафи кенгайиб бораётганининг боиси ҳам шу каби қулайлик-

ларга эгаллигида аслида. Жорий йилнинг ўтган даврида эса унга 21,8 минг нафар фойдаланувчи томонидан 124,1 минг мартоба мувожаатлар қилинганлиги шундан далолат беради. Сайтнинг "Текширишлар ва уларни мувофиқлаштириш" саҳифасида текширишларни тартибга солишга доир янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотларнинг мунтазам жойлаштирилаётгани тадбиркорларнинг замон билан ҳамнафас фаолият юритишларида аниқ мудоа бўлаётир.

Мўҳими, ишбилармонларга берилаётган бу каби имтиёз ва имкониятлар уларнинг фаолиятини ривожлантиришда қўл келаяпти. Ишбилармонларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айланиб, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қўшаётган ҳиссаси янада оширмоқда. Э. ЖўРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожига хизмат қиладиган жуда кўп омилар мавжуд. Жумладан, довуғи етти иқлимга кетган Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари кўна ва навқирон шаҳарларимиз, улардаги бетақор обидалар, мовий гумбазлар, миноралар, нақшу ниғорлар доимо бошқа юрт вакилларининг қизиқишига сабаб бўлган. Қолаверса, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, бағрикенг халқимизнинг самимий

муносабати ҳам туристлар сафининг тобора кенгайишида муҳим аҳамият касб этаётир. Шунга мос равишда янги сайёҳлик йўналишлари очилмоқда, замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони кўпайтирилиб, транспорт-коммуникация тизими халқор стандартлар даражасига келтириляпти. Энг улуг, энг азиз байрамимиз шукхи кезиб юрган айни кунларда юртимизда яна кўплаб хорижийликлар меҳмон бўлиб туришибди. "Халқ сўзи"нинг Хоразм вилояти бўйича муҳбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

«Гўзал ва фаровон юртингизга ҳавасимиз келди»

Виктория ТЕРЗИЯК (Франция):

— Францияда ўзбек халқининг тарихи, маданияти, анъаналарига, шунингдек, сайёҳлик салоҳиятига нисбатан қизиқиш жуда юқори. Мен ҳам анчадан буюн Ўзбекистонга келишни орзу қилардим. Ниҳоят, ана шу ниятига эришдим ва бундан беҳад мамнунман.



Юртингиз қадимий Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганини, бу замин асрлар давомига Осиё ҳамда Европа ўртасида ишончли маданият ва савдо кўприги бўлиб хизмат қилганини дунё аҳли яхши билади. Бугунги кунга чачақлаб келган бебаҳо осориётлар, ноёб ёдгорликлар, нақшли безаклар ҳамда мовий гумбазларнинг гўзаллигига қобиқ, ишбу ҳудуд ўз даврида нафақат йирик савдо ўчоғи, балки илм-фан ҳамда маданият маркази бўлганини теран аниқлаш мумкин.

Авал поятхитингизни, кейин Самарқандни бориб кўрдим. Энди Хоразмдан. Хивадаги Ичанқалъа мажмуи, унинг таркибидagi мейморий обидаларни томоша қилиб, ҳайратга тушдим. Воҳода азалдан мейморчилик қаторида хунармандчилик, маданият ва санъат жадал ривожланганини гапириб беришди. Ана шу анъаналар ҳозир ҳам изчил давом эттириляётганига гувоҳ бўлдим. Хунармандлар тўқи

ган гиламлар, катта, думалоқ шаклдаги, узун тўлқинсимон юнгли кўзи терисидан тикилган ажойиб бош кийимлари (дарвоқе, уни "чўғирма" деб айташаркан), турли мусикий чолғу асбоблари, шунингдек, кулоллик буюмлари ўзига хошлиғи билан диққатимни тортди. Ҳар биридан эсдалик учун сотиб олдим.

Тарихий шаҳарларда сайёҳларга яратиб берилган шарт-шароитлар, сервис хизмати, одамларнинг самимий муносабати менга жуда манзур бўлди. Қисқаси, Ўзбекистондан бир олам таассурот билан қайтаялман.

Марк ЭЛЛИОТ (Австралия):

— Ҳозиргача ўндан ортиқ мамлакатга сафар қилдим. Аммо гўзал ва бетақор Ўзбекистонда

этилган. Яқинларимга эсдалик совғалари олиш мақсадида дўконларни айландим. Маҳсулотнинг тури шу қадар кўпки, қайси бирини харид қилишни билмай шовиб қоласан, киши. Аксариятида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқ бор. Кўчалардаги автоуловларни айтмайсизми, уларнинг ҳам асосий қисми Ўзбекистоннинг ўз автомобиллари. Мамлакат равнақ топиб бораётганини турли рақамлардан эмас, мана шундай ҳаётий мисоллардан ҳам билиб олиш мумкин.

Ушбу бетақор замин халқига бундан кейин ҳам тинчлик-омонлик, равнақ ва омад тилаб қоламан.

Королина ХЕРРЕРА (Нидерландия):

— Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий аҳолига қараб одамларнинг кайфиятини аниқлаш мумкин. Масалан, Европада ҳали-ҳануз кузатиляётган молиявий-иқтисодий инқироз аҳоли руҳиятига салбий таъсир ўтказмай қолмаяпти. Бюджет тақчиллигининг тобора оғиб бораётгани, халқор рейтинг агентликларининг давлатлар рейтинг кўрсаткичларини муттасил пасайтираётгани ўз-ўзидан ижтимоий аҳволни мураккаб-лаштирамоқда.

Ўзбекистонга келиб, одамлар-

нинг юз-кўзидаги қувонч, хотир-жамликни кўриб, мамлакатнинг бугунги иқтисодий салоҳияти юксак эканини аниқлаш қийин эмас.

Мен юртингизга ташириб буюр-ман, албатта, бозорларга бора-ман, етти иқлимга машҳур нонлардан, мевалардан татиб кўра-ман, дея ният қилгандим. Мақса-дим амалга ошди. Таърифлашга-нича бор экан, олма дейсизми, узум, нок ёки тарвузни айтасиз-ми, есангиз таъми оғзингизда қоларкан. Хоразмнинг қовунлари-чи?! Воҳ-воҳ, бунақасини дунёнинг энг зур супермаркетларидан ҳам тополмайсиз. Асалдан-да ширин.

Шаҳарлари гўзал ва мафтункор, одамлари хушмуомала, бозорлари фаровон юртга ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди.

Фууюки КИОТА (Япония):

— Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритган, бошқа давлатлар қатори Япония билан ҳам ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириб бораётир. Дўстона алоқаларнинг самараси ўлароқ, икки халқ вакилларининг борди-келдиси аниқлашга айланган қолди. Мана шундай имкониятдан фойдаланиб, мен ҳам тарихий шаҳарларингизни томоша қилиш ниятида ташириб буюрдим.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимий муносабати менга жуда ёқди. Одамларнинг кайфияти чоғ, юз-кўзида бугунги кундан мамнунлик ҳисси сезилиб турибди. Сафарим мамлакатингиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келганидан жуда хурсанд бўлдим. Қаерда бўлмай, ана шу шодийна шуқунини сездим. Исти-риқат боғларида куй-қўшиқлар, байрам дастурлари намойиш эти-ляпти, ота-оналар фарзандларини ёнларига олиб, ҳордиқ чиқаришаяпти. Қачонки юртда тинчлик, оилаларда фаровонлик бўлса, кўнгилга мана шундай хурсандчилик сиғади.

Ўзбекистон халқига бахт доимий ҳамроҳ бўлсин, деб қоламан.

Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Европанинг маиший техника воситалари ишлаб чиқарувчи "Bosch und Siemens Hausgerate GmbH" компанияси идиш-товоқ ювадиган жиҳозларни харид қилган мижозларга интернетдаги расмий сайти орқали мурожаат билан чиқди.

Сервис хизмати бепул

Унга кўра, агарда кимнингдир хонадонида 1999 — 2005 йилларда "Bosch", "Siemens", "Neff", "Constructa" ёки "Junker+Ruh" савдо белгиси остида тайёрланган шундай ускуналар мавжуд бўлса, унинг ишлаш жараёнини жиддий кўздан кечириш сўралган. Чунки компания мутахассислари ушбу туркумдаги техникаларнинг айримларида нуқсон бўлиши мумкинлигини айтишмоқда. Мабодро қай-сидир истеъмолчидан, ҳақиқатан ҳам, камчилик борлиги тўғрисида хабар келса, "Bosch und Siemens Hausgerate GmbH" уни бепул таъмирлаб бериш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Компания бундан тўрт йил муқаддам АҚШда сотилган кир ювиш машиналаридан қарийб тўрт миллионта нисосни мавжудлиги туфайли қайтариб олганди.



Носоз автомобиллар қайтариб олинади

"Toyota Motor" корпорацияси АҚШ, Европа ва Японияда сотилган қарийб 369 мингта автомобилнинг двигателларида нуқсон аниқлангани туфайли қайтариб олишини маълум қилди.

Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Носоз деб топилган машиналарнинг аксарияти "Lexus" русумига оид. Корпорация расмий вакили Шино Ямаданинг изоҳлашича, ҳозирги кунга қадар автоуловлардаги муаммо боис бирор бир йўл транспорти ҳодисаси рўй бергани ёки жабрланганлар бўлгани ҳақида мурожаатлар келиб тушмаган.



Қайтариб олиниши режалаштирилган машиналардаги камчиликни бартараф этиш учун ҳар бирига ўртча тўрт-олти соатдан вақт кетаркан.

Ёнғин хавфи

Хорватия ғарбида юзага келган ўрмон ёнғинлари бир қатор аҳоли пунктларига жиддий хавф солмоқда.

Табиий офатнинг дастлабки ўчоғи Ситно-Доне яшаш манзили атрофида аниқланган. Ҳозирча ёнғин қанча майдонни қамраб олгани аниқ эмас. Мамлакат ҳукумати Фуқаролар мол-мулкни хавфдан сақлаш мақсадида барча зарур чора-тадбирларни кўрапти. Жумладан, оловни бартараф этиш ишларига 15 та техника ва 50 нафардан зиёд ўт ўчирувчи сафарбар қилинган. Уларга кўнгилчилар ҳам яқиндан ёрдам беришаяпти.



Энг йирик вулқон

Тинч океани шимоли-ғарбида дунёдаги энг йирик вулқон мавжудлиги аниқланди, дейилади "Nature Geoscience" журналида чоп этилган мақолада.

Олимлар аввалига уммоннинг ушбу жойида бир қанча майда вулқон ўчоқлари мавжуд, деб ҳисоблашяётганди. Лекин лава (вулқонлардан отилиб чиқадиган суяқ чўғ) битта ёриқдан чиқётганлиги боис бу ерда ягона ва жуда катта вулқон бор, деган тўхтамга келишди. Унинг ўлчами Буюк Британиянинг худудига тенглаш-тирилмоқда.

Масъулиятсизлик оқибати

Қуюқ туман Англиянинг Кент графлигида 130 га яқин автомобилнинг тўқнашиб кетишига сабаб бўлди.

Ўнлаб одамлар жароҳатланди, саккиз кишининг ахволи оғир экани айтилмоқда. Йўл транспорти ҳодисаси Шеппи ороли билан Кент графлигини боғловчи кўприк устида рўй берган. Мазкур ҳудудда ҳаракат вақтинча тўхтатилди. Гувоҳлардан бирининг айтишича, ноқулай об-ҳаво шароити бўлишига қарамай, аксарият ҳайдовчилар туманга қарши чироклардан фойдаланишмаган. Натижада мана шундай кўнгил-сизлик келиб чиққан.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Жорий йилнинг 12 август куни "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкнинг 2012 — 2013 йиллардаги фаолияти учун "Барқарор" рейтингини тақдим этди.

«Микрокредитбанк»:

Барқарорлик мезони



прогноз кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 1,3 баробар оширилди. Пировардида инновацион технологияларни жорий этиш, олис ва чекка туманлардаги ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик қорхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга 13,9 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Бу борадаги ишларни янада жонлантиришда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоятлар ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармалари билан биргаликда йўлга қўйилган "Ёш тадбиркор" — юртга мадақкор", "Менинг бизнес гоям" лойиҳалари айни мудоао бўляптир.

Шу ўринда "Микрокредитбанк"нинг Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди билан ҳамкорликда рўёбга чиқараётган "Оила фаровонлигини таъминлаш учун аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Негаки, мазкур лойиҳага мувофиқ, жорий йил давомида фермер ва тадбиркор аёлларнинг билимини ошириш мақсадида жойларда кўплаб семинар-тренинглар уюштириш режаси ишлаб чиқилди. Унда 5 минг нафар тадбиркор аёлга 33 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Айни пайтда банк томонидан кўрсатиляётган микроолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида Халқор тараққиёт уюшмаси, Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт Дастури ҳамда Германия жағмарга кассаларининг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан қизгин иш олиб бориляпти. Буларнинг бари республикаимизда келгусида банк сармоялари ёрдамида юзлаб тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлишидан, маҳаллий истеъмол бозоримиз импорт ўрнини босувчи турфа маҳсулотлар билан бойишидан далолат беради.

Банк матбуот хизмати.

Эълонлар

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронқўл кўчасидаги 84-уй. Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм. 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 мартдаги 7082/23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Қодиров ва Х. Саматова кўчалари ўртасида жойлашган кўп қаватли уй. Бошланғич баҳоси — 178 792 758 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 январдаги 1-383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мухтор Ауэзов 3-берк кўчасидаги 1-уй. Бошланғич баҳоси — 152 000 000 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 январдаги 1-383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чилон ота кўчасидаги 5-уй. Бошланғич баҳоси — 711 000 000 сўм. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 16-1202/18169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳарчаси, «Бобур» МФЙда жойлашган, «Норин бош пиллохонаси» МЧЖга тегишли блок-бостирма (навес) бино-иншоотлари — қурилиш ости майдони 1242,36 кв.м., фойдаланиш майдони 1235,22 кв.м., пилла сақлаш бостирмаси (навеси) — қурилиш ости майдони 1046,07 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,57 кв.м., металл бостирма — қурилиш ости майдони 601,8 кв.м., фойдаланиш майдони 601,8 кв.м., мавсумий ишчилар хонаси — қурилиш ости майдони 74,23 кв.м., фойдаланиш майдони 61,34 кв.м., қорапўчоқ бостирмаси бино-иншоотлари — қурилиш ости майдони 290,4 кв.м., фойдаланиш майдони 273,76 кв.м. бўлган бино-иншоотлар тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 220 165 582 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2013 йил 20 сентябрь куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотeka-банк» Наманган вилояти бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519. Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz Лицензия: RR-00011

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади. 1. Аукцион савдосига Гулистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2013 йил 12 апрелдаги 1-110/13-сонли ажримига асосан хатланган, Гулистон тумани, «Мирзо Улўабек» ФХХУ худудига жойлашган, умумий қурилиш майдони 973,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 889,0 кв.м., умумий ер майдони 2205,0 кв.м. бўлган чойхона-тўйхона биноси тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 461 098 041 сўм. 2. Гулистон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-313/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шохкучаси худудига жойлашган, умумий қурилиш майдони 1043,93 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1518,20 кв.м. бўлган савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва қурилиши тугалланмаган кафе биноси тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 588 903 763 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 24 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2013 йил 20 сентябрь куни соат 18.00. 3. Гулистон шаҳри СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 июндаги 12-1306/4315-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Н. Зокиров кўчаси, 114-уйда жойлашган, майдони 570,30 кв.м. дан иборат, 0001-литердаги идора биноси ва майдони 137,91 кв.м. дан иборат 0002-литердаги айвон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 750 986 377 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати — 2013 йил 4 октябрь куни соат 18.00. Аукцион савдолари Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асaka» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519. Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz Лицензия: RR-00011

# БУГУНИ ОБОД, ЭРТАСИ НУРАФШОН



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Вилоятда давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодий ислохотларни жадал давом эттириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Рустам Кенжаев. — Бугунги кунда ҳудудимизда жами 1307 та санат корхонаси мавжуд бўлиб, шундан 18 тасини йирик, 1289 тасини кичик корхона ва микрофирма ташкил этади. Улар, асосан, кимё, машинасозлик, қурилиш соҳаларида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият кўрсатаётган. Ярим йилликда ушбу хўжалик юртувчи субъектлар томонидан 371,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

## Экспорт салоҳияти ва салмоқли натижалар

Иқтисодий янада ривожлантиришда хорижий сармояни жалб қилиш муҳим омил ҳисобланади. Шу мақсадда ҳудуднинг ўзига хослиги, хом ашё захираси ва меҳнат ресурслари имкониятларидан келиб чиқиб, кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 18 мартдаги “Жиззах” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни том маънода янги босқичга кўтарди.

— Ушбу ҳужжатга мувофиқ,

бўлган 21 ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишув битимлари имзоланди.

## Фермерлик ҳаракати — етакчи куч

Президентимиз ташаббуси билан бошланган фермерлик ҳаракати бугун, чин маънода, етакчи кучга айланди. Буни аграр соҳада етиштирилаётган маҳсулотнинг асосий қисми айнан фермерларнинг ҳиссасига тўғри келаятигани ҳам кўрсатиб турибди. Қувонарлиси, қишлоқ мулкдорлари деб юритилаётган соҳа вакиллари бугун нафақат ер эгаси, балки санат ва қайта ишлаш соҳаларида ҳам катта муваффақиятларга эришаётган тadbиркор сифатида номоён бўлмоқда.

— Жиззах вилоятига биринчилардан бўлиб фермерлик мактаби яратилган ҳудуд сифатида қаралиши бежиз эмас, — дейди вилоят фермерлар кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Ёшматов. — Дастлаб ширкат хўжалиқлари ўрнида 10 мингдан зиёд фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, кейинги йилларда экин майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида фермер хўжаликлари ўзига хос саралаш босқичини ўтади. Айни пайтда вилоятда 5 минг 800 дан ортиқ фермер хўжаликлари пахтачилик, галлачилик, мева-сабзавот, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида самарали фаолият кўрсатишяпти.


Фермер хўжаликларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшилаши қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ва маҳсулот етиштириш ҳажмининг кўпайишини таъминлайтир. Жорий йили ҳудуд фермерлари 180 минг гектар майдондан 652,5 минг тонна галла йиғиштириб олишди. 2988 та фермер хўжалигига тегишли 101,8 минг гектар майдонда парваришланаятган гўздан ҳам юқори ҳосил олиш кўзда тутилган.

— Яқинда Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида биз билан ўтказган учрашуви ва вилоят фермерларига билдирган юксак ишончдан бошимиз кўкка етди, — дейди Пахтакор туманидаги “Жавлонбек” фермер хўжалиги раҳбари Эркин Кенжаев. — Айниқ-

са, уларнинг “Ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор. Бошқача айтганда, бугунги ҳаёт олдимиғизга қўяётган янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса, қишлоқ ахлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишда фаол бўлиши зарур”, деган гаплари биз, фермерларнинг зиммасига янада масъулият юклайди.

## Бунёдкорлик саодати

Амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижасида вилоят маркази — Жиззах шаҳри янада кўркам қиёфа касб этиб бораёпти. Бу кентнинг марказий қўчалари кенгайтирилиб, замонавий иншоотлар ва тураржой бинолари қад кўтармоқда. Хусусан, сўнги



3-4 йил мобайнида шаҳарнинг муштараклиги, Буюк Турон, Алишер Навоий ва Шифокорлар қўчаларида катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Қўчаларнинг ёнидаги пасткам ўй ва хўжалик объектилари ўрнида 2-3 қаватли гўзал замонавий иморатлар қуриляпти.

Шаҳарнинг асосий савдо марказлари ҳисобланган “Кўк бозор”, “Эски шаҳар” буюм ва деҳқон, “Кимёгар” эҳтиёт қисмлари бозорлари бутунлай янгича қиёфага кирди. Хусусан, “Кўк бозор” ҳудудидаги бир қаватли савдо шохобчалари ўрнида кўркам лойиҳалар асосида янги савдо ва маиший хизмат

кўрсатиш бинолари қад ростлади. — Айни пайтда Жиззах шаҳрининг архитектура қиёфасини тубдан яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган 2012 — 2017 йилларга мўлжалланган Дастур асосида қурилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда, — дейди шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Избосар Тўраев. — Масалан, “Кўк бозор”га келиб бирлашадиган Тошкент, Богдон, Алишер Навоий номили кўчалар кенгайтирилиб, икки томонлама қатнов йўлга қўйилди. Богдон кўчаси “Кўк бозор”дан бошлаб Фориш йўналишига қадар узайтирилди. Утган йили фойдаланишга топширилган кўркам ва замонавий вокзал биноси ёнидан Мирзо Улуғбек маҳалласини айланлиб ўтувчи Богдон кўчасининг давоми Тошкент ва Халқлар Дўстлиги кўчаларига туташиб, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига айланди.

Ҳозирги пайтда Алишер Навоий кўчаси бўйида 5,4 гектар майдонни эгаллайдиган замонавий спорт мажмуаси барпо қилинаёпти. Жаҳон андозларига мос мажмуа мажмуа ҳудудидан ўн минг ўринли стадион, бассейн, теннис корти ва бошқа биноларга жой олади. Мажмуа атрофида каштан, эман, япон софораси каби ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилган замонавий хиёбон ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилади.

Бундай эзгу ишлар, қувончли

# Юксак ишончга муносиб бўламиз

Президентимиз баркамол авлодни тарбиялаш масаласига нақадар юксак эътибор қаратаётганликларини шаҳару қишлоқларимизда барпо этилган бири-бирдан кўркам мактаблар, лицей ва касб-хунар коллежлари, муҳташам спорт мажмуалари, сувиш ҳавзалари, теннис кортлари, стадионлар тимсолида яққол кўриш мумкин.



ДИЛ СЎЗИ

Қувонарлиси, уларда билимини мустаҳкамлаган ёшларимиз бугун минтақа ва жаҳон миқёсидаги фан олимпиадалари, кўрик-танловлар, шунингдек, энг йирик халқаро спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Эътибор берганмисиз, бирор кун йўқки, оммавий ахборот воситаларимиз қайсидир бир спортчимизнинг муваффақияти ҳақида хабар қилмаган бўлса. Ана шундай ғалабалар, албатта, барчамизнинг қалбимизга чексиз фахр бағишлайди. Ва бундай ютуқларга ҳисса қўшаётганлар орасида мактабимиз тарбияланувчиларининг ҳам борлиги жамоамиз аъзоларини икки карра кўпроқ гурурлантиради.

Ўттиз йилдириқ, спорт соҳасида фаолият юритиб келаятган бўлсам, фақат мустақиллик йилларидагина меҳнатимиз қадрланганини дилдан ҳис қилдим. Масалан, илгари мураббийлар спорт инфратузилмаси талаб даражасида шакллантирилмагани туфайли ҳам истеъоддор маҳоратини юзга чиқаришда қатор қийинчиликларга дуч келишарди. Гоҳида машғулот учун тузуқроқ жой топилмас, жой топилса, инвентар етишмасди. Моддий манфаатдорлик ҳақида-ку, гапирмасча ҳам бўлаверди.

Истиқлол йилларида ҳаммаси изига тушди. Таълим тизими, устоз ва мураббийлар фаолияти юксак даражада қўллаб-қувватланди. Ўзимиздан қиёс. 2011 йилда мактабимиз биноси реконструкция қилинди. 278 миллион сўм маблағ ажратилиб, янги маъмурий бино ва спорт заллари

қурилди. Бундан ташқари, стадионимиз тубдан ўзгартирилди. Ишончим комилки, ҳозирги шароитимизни кўрган ҳар қандай кишининг ҳаваси келиши аниқ.

Бугунги кунда мактабимизда 500 нафарга яқин ёшлар спортнинг саккиз тури бўйича машғулотларда иштирок этишяпти. Уларнинг 132 нафари кизлардир. Мураббийларимизнинг самарали меҳнати натижасида вакилларимиз нафақат республика, балки халқаро миқёсидаги мусобақаларда ҳам қатор ютуқларни қўлга киритишляпти. Жумладан, ўқувчимиз Ҳикмат Тўраев яқинда Хитой Тайпейда дзюдо бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди. Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида тазқондоннинг ВТФ йўналиши бўйича ташкил этилган очиқ чемпионатда Рамазон Норқобилов бронза медалига сазовор бўлди. Мактабимизнинг собиқ ўқувчилари эришаётган муваффақиятлар ҳам бизни гурурлантиради. Айталик, Абдулла Холиёров кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда голиб бўлган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Спортчи, мураббий сифатида эришган ҳар бир маррам мен учун қадри. Бу йилги мустақиллик байрами арафасида эса Президентимиз Фармонига биноан, бир гуруҳ юрдошларимиз қаторида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” унвонига лойиқ қўрилганим ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди. Бу давлатимиз раҳбарининг спорт соҳасига қаратаётган юксак эътиборининг яна бир ёрқин тасдиғидир. Мана шу ғамхўрликка жавобан келгусида бор куч-гайратимни ишга солиб, янгидан-янгги иқтидорларни тарбиялаш, спортимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга ваъда бераман.

**Зокир ШАМУРОВ,**  
Кумиқўрган тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Қадимдан халқ таъбибатида лимонўт кенг қўлланилиб келинади.

Хусусан, буюк табиб Абу Али ибн Сино битикларида унга юрак фаолиятини яхшиловчи ва иштаҳани очувчи малҳам, дея таъриф берилган. Аммо кейинги пайтларда лимонўт нафақат шифобахш неъмат, балки зиявор сифатида ҳам ишлатилмоқда. Яъни унинг сархил барг ва новдаларини турли таомлар билан истеъмол қилиш ёки гўшт, балиқ ва қўзиқорин маҳсулотларига қўшиб консерва тайёрлаш мумкин.

Айниқса, лимонўт асосида тайёрланган кўкчучува ва сомса кишига қувват бахш этади.

**Маннон НАБИЕВ,**  
доришунос.




# Чодакнинг сирли чашмаси

Пурвикор тоғлар эстагида жойлашган Чодак қишлоғи — Поп туманининг сўлим гўшаларидан бири. Мусаффо ҳавоси, дилтортар манзаралари билан кишини ўзига чорлаб турадиган бу масканда қадим-қадимдан одамларни ҳайратга солиб келган бир чашма бор. Унинг сирли жиҳати шундаки, суви баланд қоятош ичидан сизиб чиқиб, пастликдаги ҳовузга мавжланади.

## ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Чашма маҳаллий аҳоли томонидан “Чир-чир момо”, шунингдек, “Онанинг кўз ёшлари”, дея номлаб келинади. Баландлиги 10, эни 20 метрга борадиган улкан харсанг бағридан сизиб чиқаётган сув, қишин-ёзин яшнаб турадиган сунбул майсалари билан қопланган манзара, чиндан ҳам, йиғлаётган аёл қиёфасини гавдалантиради. Ривоятларда айтилишича, табиатнинг бу ноёб ёдгорлиги мумтоз адабиётимиз вакиллари билан Атойнинг падари бузруквори ҳазрат Исмоил Атоий авлодлари билан боғланиб кетади. Ўз даврида у кишининг Туркистоннинг Сайрамаидан Чодакка келаятган чоғида Шунавовоз деган манзилда синглиси вафот этади. Уни Чир-чир гори устидаги дўнгликка дафн қиладилар. Орадан кўп ўтмай, бу ерда сирли чашма пайдо бўлади ва одамлар бу жойни зиёратгоҳга айлантирадilar. Сирли чашманинг ҳайратли томони, унинг суви ҳақратон қишда ҳам музламайди, қоятош узра ёйилиб турган сунбула



майсалари эса ҳаммаша ям-яшил. Унинг бирор марта сарғиш тусга киргани ёки куриб қолганини бирон киши эслай олмайдди. Улкан харсанг пойидаги ҳовузни тўлдирган зилол сув Чодаксоғига оқиб тушиб, дала ва боғлар томон ошади. Ҳовуздаги маринка балиқларининг ҳар томон бежавотир сузаётганини кўриб, дилингиз яйрайди. Қадриятларимиз қадри юксалган кейинги йилларда ушбу зиёратгоҳга қаратилган эътибор натижасида унинг қиёфаси ўзгарди. Бу ерда қадимдан ўсиб келаятган улкан дарахтлар қаторига арча ва бошқа манзарали дарахтлар қўшилди. Чашманинг қуйилиш қисмидаги ҳовуз атрофи мрамар ҳамда табиий тошлар билан мустаҳкамланди. Йўлакларга пардоз плиталари ётқизирилиб, икки ёни гулзорга айлантирилди. Айни пайтда зиёратгоҳ ёнида қурилган шинам чойхонадан дам олувчи-

лар қадами узилмайди. Айниқса, ёзининг ҳароратли палласида бу маскан янада гавжумлашади. Чор атрофи куюқ дарахтзордан иборат ҳудудда болажонлар яйраб-яшнайдиган жойлар ҳам сероб. Чунончи, Чодаксоғининг сўлим соҳилида вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли “Офтобча”, Кўкун темир йўллари тизими қошидаги “Темир йўли” оромгоҳлари ёз палласи минглаб ўғил-қизларни бағрига олади. “Онанинг кўз ёшлари” зиёратгоҳига мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюраётганлар аждодларимиз хотирасига ҳурмат кўрсатиш билан бирга, сўлим масканда хордиқ чиқариб қайтадилар.

**Шухрат ИНОМОВ.**

## Эълонлар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

КЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА  
2014 ЙИЛ УЧУН КАТТА ИЛМИЙ  
ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР  
КАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

08.00.07 — Молия ва кредит.  
08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати —  
2013 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.

Маълумот олиш учун кўйидаги  
манзилга мурожаат қилиш мумкин:  
Тошкент шаҳри, 100000,  
Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.  
Телефон: (8-371) 237-53-51.  
website:  
www.bfa.uz/тадқиқотчиларга/эълонлар

**«ELEKTRON XISOBLAGICH»**  
Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси

барча тоифадаги истеъмолчилар учун турли модификациядаги электр қувватининг бир ва уч фазалик электрон ҳисоблагичларини ишлаб чиқаради.

Ҳисоблагичлардан автоном тарзда ёки электр қувватини тижорий тибсога олиш автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) таркибиде дастлаб белгиланган дастуруга мувофиқ, истеъмол қилинган электр қуввати ҳақида маълумотлар йиғиш мақсадида фойдаланилади.

Ишлаб чиқарувчилар нархларида сотилади.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

www.uzex.uz Tel./факс: (8-371) 291-53-36. Тел.: (8-371) 291-79-01, 299-86-95.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оршов.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Ф. Абилов.  
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.25 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5